

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**456 «Вақтинча сақлаш» божхона режими тўғрисидаги
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғри-
сида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
27 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 447-1*

(2012 йил 7 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 26 майда тасдиқланган «Вақтинча сақлаш» божхона режими тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 447, 1998 йил 17 июнь) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 24 август,
01-02/12-21-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.